



Ҳа, болаликнинг бу армонли хотиралари, турмуш мушкулотлари, ёвуз сиёсат зугуми Элбек қаддини бука олмади. У ҳар доим ҳам "Борлиқ ҳаётли, рухлар қанотли" деб яшаган, ҳаётни севган, ижод қилган, келажакка ишонган.

"БОРЛИҚ ҲАЁТЛИ, РУХЛАР ҚАНОТЛИ"
3-БЕТ.

Исирик, асли номим,
Хеч бир ўтдан йўқ камим
Кирган уйим чоғ бўлур,
Оиласи соғ бўлур.

"ИСИРИҚ"
4-БЕТ.

№43 (6561)
21-сентябр, 1993 йил
СЕНАНБА
Сотувда эркин нархда.

ТОҲТ ҚОЛДУЗ

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси

ҳолда, кейинги йиллар ичида экологияга ихтисослашган ўрта мактабларнинг ташкил этилиши,

бойликлари ва уларни асраб-авайлашга, муҳофаза этишга кўникма ҳосил қилишга алоҳида эътибор берилади. Мактаб ўқувчиларининг ҳар бири, ўқитувчилар ҳам табиат шайдоси эканлигини улар билан бўлган суҳбатдан билиб олдик. Мана, сиз ҳам танишиб кўринг-а:

Мансур ИБРАГИМОВ,

кўктангри бағридан ўйноқлаб тушаётган қор заррачаларини кўриб мўъжизадан ҳайрон бўлади; осмон билан тиллашиб ётган тоғ чўққиларига тикилиб, ўзида қандайдир бир улугвор куч ҳис этади.

Энди табиат бағридан чиқаётган Инсон маҳзун эмас, у шод, борлиқдаги ҳар бир нарса унинг кўзига гўзал бўлиб кўринади. Демакки, табиат инсон борлиги ва ҳиссиёти билан доимо алоқада. Бунинг рад этиб бўлмайди.

Дилфуза РАҲМАТОВА,
11-"А" синф ўқувчиси,
чуқурлаштирилган синф:

Табиат ва сен

"Ислом дини инсонни нафс балосидан тийилишга, ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймасликка, табиатга бўлган муносабатимизни яхшилашга чақиради. Ёзилишича: бир кун Пайгамбаримиз саҳобалари ила саёҳатда юрганларида ёш болаларнинг куш ошенидан полапонларини олаётганини кўриб қоладилар. Шунда бу иш гуноҳга тенг эканлигини уқтириб, полапонни ошенига қўйишни буюрадилар".

— Дилфуза, келажакда ким бўлмоқчисан?

— Биология ўқитувчимиз Мансур Ибрагимов раҳбарлигидаги "Ёш экологшунослар" тўғараги билан Низомий номидаги олийгоҳ шартнома тузишган. Шартномага кўра, олийгоҳ



ўқитувчиларидан УзФА профессори М. Абзалов ва биология кафедрасининг профессори А. Гофуров ҳар ҳафтада икки маротаба бизга маъруза қилишади.

Мактабни битириб, шу олийгоҳга ҳужжатларимни топширмоқчиман.

2-бетга қайтинг

Бола қалбида меҳр уммондир

Она табиат — Ватанга қиёс. Унинг мусоффолиги, софлигию тозаллиги инсонлар қўлида. Унга кўрсатилган бир томчи меҳр жамиятга уммон бўлиб қайтади. Чунки у инсон ҳаётининг ажралмас қисми. Бироқ "табиатсиз инсонни тасаввур этиш қийин" деб узоқ йиллардан буён жар солсақда, уни асрашга, мусоффолиги учун курашишга ҳаракатимиз суст бўлиб келди. Аслида эса она табиатга, демакки Ватанга муҳаббат мактабдан ёки ондан ҳам аввал, боғчадан бошланади. Шунинг ҳисобига олган

фан дастурлари орасига экология, экомехнат фанларининг киритилиши, биология дарслари ва тўғарақларининг машғулотлари табиатни муҳофаза этишга боғлаб ўтилиши ташланаётган яхши қадамлардан бўлди. Шулар орқали ўқувчилар табиатга меҳр тушунчасини кенг маънода тушуниб боришяпти. Бугун биз сизга таништирмоқчи бўлаётган мактаб ўқувчилари ҳам ёш экологлардир. Бу — пойтахтдаги 63-мактабда биология фани чуқур ўргатилади. Шу билан бир қаторда она табиат, унинг

биология ўқитувчиси:

— Инсон ва Табиат, йўқ тўғривоғи, Табиат ва Инсон булар бир-биридан ажралмаган ҳолда мавжуддир.


Маҳзун Инсон дейлик, у тушкун кайфиятини бироз бўлса-да чоғ қилиш учун ўзини табиат бағрига уради: ҳовлиларда очилган гулларни, эндигина куртаклаётган дарахт шохларидаги булбулларнинг овозини эшитиб, дили яйрайди; ҳаммаша кўкликка бурканган ўрмонга тикилиб умидлари, орзулари ҳали сароб эмаслигини англайди;

— Дилфуза, эшитишимга қараганда, бу йил республика "Ёш экологшунослар" кўрик-конкурсида биринчилиكنи олган экансан. Қутлашга рухсат бер.

— Ҳа, бу конкурс шу йилнинг август ойларида Қаршида ўтказилганди. Бизнинг мактабдан тўрт ўқувчи борганди. Шулардан икkitаси — мен ва Феруза Нурмуҳаммедова голиблик нишони билан қайтдик.

— Сендаги мавзу қайси йўналишда эди?

— Мавзум: "Ислом ва табиат". Унда шундай ёзганман:



Паға-паға ёғар қор...

Д. Аҳмад туширган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Меҳнат хонаси. Ҳамма томони нақшлар билан безатилган бу ранг тасвирларни ҳам ўқувчилар чизишган. Бейхтиёр ҳаёлингга Умар Хайёмнинг қуйидаги сатрлари келади: “Нақшла ишлаган инсон ҳур бўлур. Садафдай терилиб, қатра дур бўлур”.

Ж. САИДХҶАЕВ, ўқувчи:

— 2-синфда ўқиб юрганамда бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Янги ўқув йили бошланадиган пайт. Онам ўқув қуролларининг ҳаммасини олиб бердилар, ҳаммаси тоза, ҳаммаси янги. Ўқиш ҳам бошланди. Бир ҳафта

ўтиб, ўқув қуролларидан тозаси қолмади — ҳаммасига расм чизиб ташлабман. Ўшанда роса дакки эшитувдим. Чунки аини қимматчилик даври бошланаётган эди-да. “Энди ҳеч қачон расм чизмайман”, деб қасам ичувдим. Қаёқда дейсиз... бўлмади. Мана ҳозиргача бирор тоза дафтарим йўқ.

Ўтган йили расмларим мактаблараро ўтказилган кўргазмага қўйилди, фахрий ўринни олдим.

Хориждан ҳам ҳаваскор расм тентгошларим бор — Шевченко, Изратов, Селпак (Эстония).



БОЛА ҚАЛБИДА МЕҲР УММОНДИР



— Буларнинг барчасини ўқувчилар ўз қўллари билан яратилган, — дейди мактаб директори Муҳаммад ака Рашидов, — албатта, ҳар бирининг ўз юмуши ва ўз ташвиши бор. Масалан, гулларга алоҳида ўқувчилар қарайди, қушларга ва балиқларга эса алоҳида. Улар ўзларининг қарамотидагиларга қарашли, парваришлаши билан бир қаторда уларнинг яшаб қолиши учун ҳам жавобгардирлар. Негаки, ҳар бир ишда жавобгарлик сезилмаса, кўзга ташланиб турган “фаолият” фақат хўжақўрсингадир. Ўқувчилар бунини яхши тушунишади чоғи, ҳали бошлаган ишимиздан юқориласак юқориладикки, сустлашганимиз йўқ.

Ушбу тўғарак иш бошлаганда: “Ҳаммаси бефойда бўлмасмикан?”

Бола бола-да, у жониворларга қарашли билармиди? Яна уволига қолиб ўтирмайлик”, дея иккиланувчилар ҳам бўлди. Бугун уларда бизнинг ишимизга хайрихоҳ, тўғрида, “Табиатни севинг, уни асранг”, дея қуруқ таъкиддан кўра, унинг қўлига ўша табиат мўъжизасини тутқазиш беш карра ютуқ дегани эмасми?! Улар бир нарсани унуттишганди — бола қалбида уммон каби меҳр борлигини. Бу меҳр она бағридан сўнг тирик табиатга қаратилса, қандай яхши!

Яна бир янгиликни сизга айтмоқчиман, бу йил инкубаторда сунъий жўжалар очирамиз. Бу ёғи оз қолди, насиб этса, жўжахонамиз ҳам бўлади.

Шакар СУННАТОВ.
Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар.
Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



ИЖОДКОРЛАР БИРЛАШДИ


Мактабимизда ижодкор ўқувчилар кўп. Шеър, ҳикоя ёзишга, расмлар чизишга қизиқувчилар ўз ижодлари ҳақида доимо муаллимларининг фикрларини билиб боришади. Бу ўқув йили бошида ана шундай болалар биргалашиб ишлашга келишиб олди. Мактабимиз қошида “Ёш мухбирлар” тўғаригина ташкил этдик. Бугунги кунда тўғаракнинг икки муҳаррири фаол иш олиб бормоқда. Мактаб радиоузели ва мактаб деворий газетасига энг қобилиятли болалар жамланган. Ҳафтасига уч марта радио орқали ва бир марта газетамиз орқали ўз муштарийларимиз билан мулоқотда бўламиз. Ижодий гуруҳлар газета орқали ўқувчиларни турли хабарлар билан таништирибгина қолмай, қизиқарли, саргузаштларга бой ҳикоя ва қиссаларни, одоб ва ахлоққа қакирувчи мақолаларни, турли бошқотирма ва ребусларни ҳам чоп этиб борапти. Радио эшиттиришлар орқали бериб борилаётган хабарларни ҳам мактаб ўқувчилари қизиқиш билан эшитиб боришади. Тўғарак раҳбари Н. Одилова, мухбир Шохкулова, безатувчилари Рустомова ва Жалилова эса газетанинг сифатли ва қизиқарли чиқишига ҳаракат қилишапти.

Ижодий гуруҳларимиз фақат мактаб билан чегараланиб қолишмаган. Улар туман ва вилоятимизнинг кўплаб мактабларидаги ижодкор болалар билан ўзаро боғланиб туришибди. Ижод намуналари билан мактаблар орқали алмашилиб, газета ва радио орқали дўстларининг шеър ва ҳикояларини, мақолаларини мактабдошларига етказишмоқда. Келажак ниятларимиз ҳам шунга асосланган. Самарқанд вилоятида болалар ва ўсмирларнинг ижодий студиясини очиш ниятида ҳаракат қилишимиз.

Солиҳ ЯҲЁЕВ,
Самарқанд вилояти,
Сиеб туманидаги
3-мактаб газетаси
муҳаррири.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз ўқувчи! Қуйида таърифланган сўзларни топинг, шаклда рақамли хонадан диагональ бўйича ёзиб, жумбоқни ечинг.



Ўнгга: 1. Фарғона вилоятидаги қадимий шаҳар. 3. Мукаммал лугат нашри. 5. Мамлакатимизда

таркиб топаётган иқтисодиёт тури, шакли. 6. Рангли қимматбаҳо металл. 8. Қашқадарё вилоятидаги туман. 10. Насрий асар тури. 12. Форс-тожик мумтоз шоири, ҳамсанавис. 13. Алишер Навоий таваллуд топган шаҳар.

Чапга: 2. Қор-ёмғир аралаш шиддатли шамол. 4. Барча амал қилиши мажбурий бўлган, давлат расмий ҳужжати. 6.

Ўзбекистоннинг жанубидаги шаҳар. 7. Давлат ҳокимияти томонидан белгиланган фуқароларнинг эрк, ихтиёри. 9. Бир ҳолатдан иккинчи юқори ҳолатга ўтиш, юксалиш. 11. Навоий “Ҳамса”сидаги дostonлардан бирининг бош қаҳрамони. 13. Мумтоз кўшиқлар ижроچиси, санъаткор. 14. Нил дарёсидаги тўғон.

Ф. ОРИПОВ тузган.



Тўрткўл туманининг тарихи жуда бой. Шўх Жайхун ва Сайхун дарёлари қирғоғига жойлашган бу шаҳар азал-азалдан икки биродар халқ—ўзбек ва қорақалпоқларнинг ажралмас дўстлигидан далолат бериб, яшаб келмоқда. Унинг ўзига яраша анъаналари, тарихи, ўтмишдан лавҳаларини тарих дарсларимизда ўқитувчимиз гапириб беради. Қизиқарли бу ҳикоялардан шахримиз ҳақида билиб олиб, гурурланамиз.

Яқинда эса Тўрткўл шахрининг 120 йиллик юбилеи кенг нишонланди. Ҳамма ёғи чиройли қилиб безатилган шахримизда

ЖАЙХУН СОҲИЛИДАГИ ШАҲАР

ҳақиқий тўй бўлди. Унга йигилганлар Тўрткўлнинг — Қорақалпоғистоннинг биринчи пойтахти бўлмиш шаҳарнинг бугунги кундаги чиройли ва муҳташамлигини томоша қилишди. Байрамга яқин тантанали очилган янги мактаб, туғруқхоналарни бориб кўришди. Биз ўқувчилар ҳам тантаналардан четда қолмадик. Мактабимизда концерт номерлари тайерлаб, байрамга йигилганларга намойиш этдик. Ана шу байрамдан кейин юрт, Ватан қадри нақадар буюк эканлигини тушуна бошладик. Шу сабаб ҳам мактабимиздаги ўлкашунослик хонасини шахримиз тарихига тегишли материал ва экспонатлар билан янада бойитишга қарор қилдик.

Н. САФАРБОВЕВА,
Тўрткўл шахри.

Тарих — бешафкат, устига-устак кучи етган унинг гилдирагини айлантираверади. У ёвузлик, игво, тухмат, сотқинлик қўлида бўлса — эзгулик яқсондир... Шунда жаҳолат оти кишнаиди. Унинг жиловини ушлолмай не-не мард ўғлонлар нобуд бўлади. Советлар



хукмронлигининг қатагонлик бўлган 20—30-йилларида ҳаёт шундай кечган. Озодлик деган ўзбек зиелиси, маърифатпарвари, шоири дийдасида армонлар қотган. Миллат эзилган, қадриятлар поймол этилган.

Бу ҳақда қайта ва қайта эсламоқ оғир ва аламли, ёзмоқ — шараф ва савобли. Шу маънода миллий маорифимиз тарихининг

йирик билимдони, филолог-тилшунос олим Ҳайдарали Узоқов фидойилиги билан нашрга тайёрланган "Момагулдурак" тўпламини табрикламоқ жоиздир. Мазкур тўпланда қатагонлик йилларининг қурбонлари Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби истеъдод эгалари қаторида тенг турувчи Машриқ Юнусов — Элбекнинг шеър, дostonлари, шоирнинг эл орасида юриб тўплаган халқ қўшиқлари, болаларга атаб ёзган ижод намуналари илк бор яхлит ҳолда жамланган. Дарвоқе, сиз Элбек таваллудининг 95 йиллиги

СИЗНИНГ КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ҳаётсевар ва ватанпарвар бўлишга чорлаган.

**Гўзал гунафша,
Бирозроқ яшна.
Боқишларинг
Кўнгиллар ташна.
Борлиқ ҳаётли,
Рухлар қанотли,
Ҳаммадан сўнг
Кулишинг тотли.
Дард куйин чалма,
Ерга бош солма.
Баҳор нағмасин
тингламай қолма.**

Шоирнинг равон тилда

қимматини оширган. Ўқувчи ундаги сатрларни ўқир экан, аввало, у ўзига ўзбек халқининг 20- ва 30-йилларда фаолият кўрсатган яна бир маданият даргаси — катта педагог ва улуг шоир, етук тилшуноси Машриқ Юнусов — Элбекни кашф этади. Унинг ҳаёт ва ижоди ҳақида қизиқарли бўлган маълумотларга эга бўлади. Ўша давр силсиласи, шўролар тузумининг қабих нияти ва беандишалигидан воқиф бўлади.

Шоирнинг ўз таржимаи ҳоли

бунда бир кишига

қарол бўлиб ишладим. Шу йил Эски шаҳар Девонбеги маҳалласидаги "Ҳокӣй" мактабига ўқишга кирдим. Ўқишга кириш мени кўп севинтирди, лекин моддий ёқдан кўп сиқилгонлик анча хафа қиларди. Ҳатто киш кунлари оёқ яланг қолдим. Ётар ер йўқ. Баъзан ўртоқларим уйида, кўпинча мактаб хужрасида эски намат орасида ўралиб ётиб, киш ўтказдим.

Узлуксиз қийналиш мени асабийлаштирган эди. Дарс чоғида муаллимларнинг келишмаган қилиқларига қарши тез кўзғолардим. Шу иш учун мени ахлоқсизликда айблаб мактабдан ҳайдадилар. Мен кўчада аравадар устида ётишга мажбур бўлдим.

Ҳа, болаликнинг бу армонли хотиралари, турмуш мушкулотлари, ёвуз сиёсат зугуми Элбек қаддини бука олмаган. У ҳар доим ҳам "Борлиқ ҳаётли, рухлар қанотли" деб яшаган, ҳаётни севган, ижод қилган, келажакка ишонган.

Қолаверса, орамизда Ҳайдарали Узоқов сингари фидойи инсонлар, тадқиқотчилар — тириклар бор экан, исёнкор, миллатпарвар марҳумлар руҳи қанот езаверади.

Акрам БЕРДИМУРОВОД.

Борлиқ ҳаётли, рухлар қанотли

арафасида газетамиз саҳифаларида шоирнинг "Ҳайвонлар" деб аталган шеърӣ китоби, "Этик" дostonи билан ҳам танишгансиз. "Момагулдурак" эса "Чўлпон" нашриётининг сиз — азиз болажонларга янги йил арафасида қилган катта тухфасидир.

Қадриятларимизни тиклаш борасида ибратли ишлар қилиб, қатор тарихӣ асарларни изчиллик билан чоп этаётган нашриёт ходимлари кам бўлмасин.

Зеро, Элбек ҳам ўғил-қизларни жондан азиз кўрган. Ўз шеър ва эртақларида уларни она-табиат ва жонзотларни севиб,

ёзилган биргина шу "Гунафша" (1926 й.) шеърӣёқ юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Тўпланда Элбекнинг "Қайси бири бўри?", "Икки тулки", "От ила одам", "Итларнинг ўртоқлиги", "Имом билан қўйчибой" каби масаллари ҳам жам бўлганки, улардаги ҳайвон ва қушлар бўлган мажозий образлар орқали шоир ўз замонасининг социал муаммоларини, қора доғларини ифода этади.

Х. Узоқовнинг мазкур тўпламга ёзган "Истиклол йўлида узилган наво" сўнгги сўзи эса тўпламнинг илмий-маърифий

ҳақида ёзган ушбу сатрлари эса ҳар қандай кишини тўлқинлантирмай қўймайди:

"1905 йилда кишлоқ эски мактабига кириб ўқидим. Бу мактабда 4 йил ўқиб, ўқув-ёзувни ўргандим. Отамнинг мендан бошқа болалари ҳам бўлганлиги учун ёшлиқдан деҳқончилик ишларига берилдим. 1910-1911 йилларда жуда қийналдик ва шунинг натижасида бошқа ака-укаларим каби мен ҳам уйни ташлашга мажбур бўлдим.

Тошкентга 1911 йилда биринчи маротаба келдим:

Америкаликларнинг ҳаётида электроника техникаси қўлланилмайдиган соҳа жуда кам қолган. Оддий ҳисобчидан фермергача, катта-катта банкирлардан бейсбол тренерларигача — деярли барча қилинадиган ишларни компьютерлар ёрдамида тез ва сифатли бажаришади.

Турли корхона ва муассасаларда, иш жойларида компьютерлар билан ишлаш фойдасини билиб олган америкаликлар уй юмушларида ҳам бу техникани ишлатиш фойдадан ҳоли эмаслигини тушунишмоқда. Шу сабаб ҳам компьютерлар учун дастурлар ишлаб чиқувчи катта-катта компаниялар уй юмушларини бажаришда

компанияси бу йил давомида энг кўп капитал тўплаган. Шунингдек, "Компьютертотс" Шимолий Каролина штатининг Шарлотта шаҳридаги "Лолипоп" болаларни ривожлантириш марказида ярим сўатлик машғулотлар ўтказди. Марказ ўқитувчиси Лин Браун эса кичик-кинтойларга компьютерларга дастурларни ўрнатиш, уларни ўзгартиришни ўргатиб боради.

Бошқа кўпгина шаҳарлардаги каби Шарлоттада ҳам болалар уч ёшидан бошлаб давлат боғчаларида электроника техникаси билан таниша бошлашади. Баъзилари эса ундан ҳам аввал — уйда, йўрғаклигидаёқ машиналарга ошно

ёшидагилар учун компьютерлар яхши ҳаёт даракчисидан

бўлак нарсаси эмас ва яна у болаларни жуда кўп ишни жуда ёшлигидан бажаришга мажбур қилишди.

Болалар психологи ва ёзувчиси Джон Роузмонд болаларни улар ўқишни ўрганиб олгандан кейингина, 9-10 ёшидан бошлаб компьютер билан ишлашга ўргатиш керак, деб ҳисоблайди.

Массачусетснинг Тафта Университети профессори Дэвид Элкинд узок

ЧЕТ ЭЛЛИК ТЕНГДОШЛАРИНГ ХАЁТИДАН

ўрганилмаганлигини" тап олади. "Болалар осонгина ва жуда қизиқиш билан машиналар билан мулоқотда бўлишсагина улардаги ақлий ривожланиш ўсиб боради", деб ёзади у.

"Боланинг еши нечадалиги — бу муаммо эмас. Фақат тугмачаларни босиш ёки сичқончани тутишдан иборат ўзига мос дастурдан фойдаланилса икки ёшли гўдак ҳам компьютерни жуда моҳирона бошқариши мумкин", деб айтиб ўтилади. болалар таълими Миллий ассоциациясининг "Янги чилдрен" журналида. Мақола муаллифлари компьютерлар болаларнинг мантиқий фикрлашларини ўстиришда, математик кўникмаларни ривожлантиришда ва ўқишга тайёрлашда катта кўмак бериши борасидаги олиб

борилган тажрибалар ва кузатувларни келтириб ўтишади.

Авваллари боғчада тарбиячи, ҳозирда эса Шарлоттадаги "Компьютертотс" марказининг эгаси Марта Эйкен: "Ота-оналар кўпда ҳайратланиб: "Марта, улар компьютерлар ҳақида биздан ҳам кўпроқ билишади" деб ажабланишади" деб таъкидлашни ёқтиради.

Хуллас, АҚШнинг савдо департаменти ўтказган охириги сўровига кўра, Қўшма Штатларнинг 45,9 фоиз ўрта таълим мактаблари талабалари мактабда ва 17,3 фоизи уйларида компьютерлар билан шугулланганликларини айтиб ўтиш билан биргаликда ҳадемай бизнинг юртимиз ўқувчилари ҳам ана шундай яхши кунларга етишларига умид қилиб қоламиз.

Ўрисчадан таржима,

ЙЎРГАКДАНОҚ КОМПЬЮТЕРЛАРГА

қўлланиладиганларини етказиб беришмоқда, компьютерларни ишлаб чиқарувчилар эса машиналарнинг ихчамлигига, уй жиҳозлари қаторида бежирим бўлишига тобора кўпроқ эътибор беришяпти. Электроника саноатидагилар эса компьютерларнинг омма учун, энг аввало, болаларга тушунарли бўлишига ҳаракат қилишмоқда.

Америкада болалар компьютерлар билан уч ёшларидан бошлаб муомала қила бошлашади. Улар ёрдамида ҳарф ва рақамлар, ранглар билан танишишади. Шу билан кейинги ҳаётларида ҳам компьютерлардан фойдаланишга кўникма ҳосил қила бошлашади. Аммо кузатувчи олимларнинг фикрича, болаларни жуда ёшлигидан компьютерларга ўргатиш болаларнинг китоб ўқимай қўйишларига, уларнинг керагидан ортиқча фикрлаб, зўриқишларига олиб келиши мумкин экан.

Фойдалими, зарарлими — қандай бўлмасин болалар компьютерлари ривожланиб бораётган бизнесдир. "Саксес" журналининг маълумот беришича, бутун мамлакат бўйлаб "шоҳ отган", болаларни компьютерлар билан ишлашга ўргатадиган "Компьютертотс"

бўлишади.

Чунки америкалик оилаларнинг чорак қисми ўз уйларида хонаки компьютерларга эга. Ота-оналар ўз фарзандларига энг яхши ўйин ва фанга оид дастурларни қидириб топишади.

"Бу фарзандларимизнинг келажаги, — дейди боғча тарбияланувчиларини компьютер саводхонлигига ўргатувчи Джейн Флорд. — Шундай вақтлар келадикки, янги уйларни ичидаги янги компьютерлари билан бирга қуриб, оилаларга топширишадиган бўлишади".

Бир қанча мутахассислар болаларни компьютерлар билан жуда ёшлигидан ишлашни тавсия этаётган бир даврда яна бир қанчаси китоблар ва ўйинчоқлар ҳақида ҳам унутмасликни маслаҳат беради. Уларнинг фикрича, боғча



йиллардан буён болалар муаммоларини ўрганади. Унинг фикрича, компьютерлар "супербола"ларни

тарбиялашнинг яна бир услуби. Уларнинг ота-оналари компьютерлардан ташқари боланинг мусика, спорт билан ҳам шугулланишга мажбур қилишади, уларни обрўли мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштиришади. "Бундай ҳаракат билан кичик генийлар тарбиялаш ўрнига болани жуда тез толиқтириб, "ишдан чиқариш" мумкин деб айтиб ўтади профессор ўзининг "Нотўғри тарбия — боғча ёшидаги болалар учун хавфли" китобида.

Ўзининг бир қанча таҳминларига кўра, "Элкинд" компьютерларнинг болалар онгига таъсири ҳали тўлалигича



Барот ИСРОИЛ

ОТҚУЛОҚ

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ:

— Билдим учта туринг
бор¹,
Айт-чи, қандай сининг
бор²?

ОТҚУЛОҚ: — Уч оғайни ботирмиз²,
Кўп ишларга қодирмиз.
Баргу³ илдизим⁴, мевам,
Қайнатмаси зўр малҳам.
Ичининг кетишини,
Ичак яра битишин,
Тезлатгучи ўзимман
Тонмайман ўз сўзимдан.
Баргим ширасини сур,
Темиртки ё кўтир.
Милк касаллиги ҳатто,
Баргимдан топар шифо.
Дўст бўлиб этсанг разм,
Таоминг қилгум ҳазм.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ: — Балли, яша,
отқулоқ,
Сенда кетди-ку, улоқ!

ТУРП

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ:

— Не шифоинг бор, хой
турп?

Хўш, тушунтир ўтириб.

ТУРП: — Нафас сиқиб, қийналсанг,
Кўкйўтал бўлиб қолсанг,
Ўпканг шамоллаб бутун,
Қон тупурсанг куну тун,
Хасталанса ўт пуфак,
Пешоб йўли ва буйрак,
Яллигланса нафас йўли,
Қийнаб қўйса ўпка сили,
Сиқиб, ширамини ичгил⁵,
Давоси шул, яхши бил.
Зарар томоним ҳам бор,
Эсингда тут, биродар:
Кислотаси кўп одам,
Жигари касаллар ҳам,
Медада бўлса яра,
Кўнглини этмай хира
Илдиз мевам⁶ емагин,
Ёқмай қолди демагин.

Ровийлардан ривоят қолмиш: "Луқмони Ҳакимнинг сўхбатдоши гуллармиш, ҳар бир ўсимлик унга ўзининг шифобахш хусусиятларини айтар эмиш.

Луқмони Ҳаким қарилликка етиб, бетоб бўлиб қолибди. Ўшанда одамлар ундан табиблик синини сўрабдилар. Шунда у: "— Кимки ялпиз илдизини кавлаб, офтобда қуришиб, сутга солиб қайнатиб ичса, ошқозонда тош бўлса ҳам эритиб туширади. Ёхуд беҳининг ичидаги уруғини олиб ташлаб, унинг ўрнига думба ёғи солиб, пишириб ейилса, йўтали тузалади. Ҳафтада бир марта ҳаммомга тушган одам соғлом, бақувват бўлади", деб кўп насиҳатлар қилибди. Бу каби ривоятлар халқимиз орасида тилдан-тилга ўтиб, Луқмони Ҳаким номидан гапирлиб келинмоқда. Қадимдан халқимиз доривор гиёҳлар билан даволаниб ўз дардларига шифо топанлар. Халқ табобатидан хабардор ҳар бир одам, гиёҳларни ажрата билган. Мен доривор гиёҳлар ҳақидаги ҳикояларни, афсоналарни жамлаб, кичик-кичик шеърлар туздим. Токи ёш авлод оддий гиёҳлардан шифобахш ўсимликларни ажрата билсин.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ:

— Рост айтдинг, мард
экансан
Халққа ҳамдард экансан!

САЧРАТҚИ

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ:

— Саҷратқилигинг аён,
Не нафинг бор, эт баён?

САЧРАТҚИ: — Олий эрур ниятим,
Беҳисоб хосиятим:
Офтоб урса ногаҳон,
Иситма қайнаган он,
Танангдаги яра, доғ,
Тузалсин десанг мутлоқ,
Барг, новдам қайнат,

чўмил,⁷
Ишончинг бўлсин комил.
Кўзингга оқ тушса гар,
Сут ширам сурт, тузатар⁸.
Ичинг кетиб қийналсанг,
Ковуғинг бўшаб қолса,
Талоқ огриб, этса гаш,
Ва ўтингда бўлса тош,
Каминанинг илдизин,
Қайнатиб ичгин ўзинг⁹.
Чакса ари, чаён, мор,
Илдизим бос, биродар¹⁰.
Ниятим шул, эй, одам.
Доимо юргин бардам.

ИСИРИҚ

ИСИРИҚ: — Ассалому алайкум!

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ:

— Дадил салом берган
ким?
ИСИРИҚ: — Исирик — асли номим,
Ҳеч бир ўтдан йўқ камим.
Кирган уйим чоғ бўлур.
Оиласи соғ бўлур.
Поямини тутатса, бас,
Микробдан асар қолмас.
Ҳидласанг тутуним гар,
Бош огригинг тузалар.
Вабодек машъум ёвдан,
Юқумли дард —
тумовдан,
Кўчада, бозорларда,

Тўйхона, гузарларда,
Асрайман ёмон кўздан,
Тонмайман айтган сўздан.
Безгаг, тутқаоқ тутса,
Суяк қақшаб огритса,
Куймиш, тиззадаги бод,
Қийнашига йўқ ҳожат,
Чойдек дамлаб чойнакка,
Ич дўст ила ё якка.
Танангдаги заҳа ҳам,
Кўтир, яра-чақа ҳам,
Минг дардинг топар
барҳам.

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ:

— Минг йилдан бери бил
гум¹¹,
Ҳам муолажа қилгум.

ҚОВОҚ

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ:

— Мунча каттасан,
қовоқ?

ҚОВОҚ: — Гиж-гиж ҳосилимга боқ!
Палак отдим ҳар ёкка,
Уйинг тўлғай қовоққа,
Бўлса сариқ касалинг,
Ҳамда курук йўталинг,
Буйрак, қовуқ, истиско,
Билгил, қайнатмам даво¹².
Ширам¹³ эса ундан зўр,
Унинг қароматин кўр:
Миядаги шишларни,
Ва огриган тишларни,
Қийнаса иссиқ кулоқ,
Сарамас, хаста томоқ,
Дардига шифо топар,
Сўнгра ортимдан чопур,
Куйдириб олсанг танинг,
Темиртки, экземани,
Ҳаттоки совуқ урса,
Тузатгум эзиб сурсанг¹⁴.
Кўл, оёқ огриса обдон,
Кўрга кўму бос шул он¹⁵.
Уругим еган замон,
Гижжага солур кирон.
Қискача этдим баён,
Қолган гап маълум, аён.



1. Жингалак отқулоқ, доривор отқулоқ, сув отқулоқлари.
2. Май, июн ойларида меваси пишади. Барги гуллаганда, меваси олинади. Илдизи кузда кавлаб, тозаланиб очиқ ҳавода қуригилади.
3. Баргининг талқонидан оғзи ёпиқ идишга икки чой қошиқ солиб, бир стакан қайноқ сув қуйиб, 2 соат дамланади. Сўнг докада сузиб бир ош қошиқдан 3-4 марта ичилади.
4. Илдизи талқонидан бир ош қошиққа бир ярим стакан сув қуйиб, 15 дақиқа қайнатилиб, 4 соат тинитилади. Сўнг сузиб, кунига 3-4 марта овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади.
5. Турп шираси — турпни янчадиган асбобдан ўтказилиб, шираси олинади. Агар тахир бўлса, асал ёки шакар қўшиб истеъмол қилинади.
6. Илдиз мева — яъни турпнинг ўзи.

7. Саҷратқининг барг новдалари майдалаб тўғралиб, қозондаги сувга солиб қайнатилади.
8. Новдаси синдирилганда сут шираси сизиб чиқади.
9. Агар илдизи талқон қилинган бўлса, бир чой қошиққа 2 стакан қайноқ сув қуйилади. Сўнг икки соат тинитгач, сузилиб, кунига 3 маҳал ярим стакандан ичилади.
10. Бирор ҳашорат чакса нам илдизини янчиб, жароҳатга боғланади.
11. Луқмони Ҳаким минг йилдан ошқироқ умр кўрган дейишади.
12. Қайнатма — қовоқ сувда қайнатилиб ейилади.
13. Шира — қовоқ шираси қизил гул ёғи билан қўшиб ишлатилади. Бурунга тортилади.
14. Қовоқ гўштли қисми эзиб сўрилади.
15. Қовоқни кўрга кўмиб, пишириб, сўнг эзиб огриган бўғинга қўшиб боғланади.



- Ҳашаротлар ўртасида ЭНГ тезкори ниначи экан. У соатига 50 километргача тезликда учиши мумкин.
- Сув ҳайвонлари ичида ЭНГ тез сузадигани шамшир бўлиб, у соатига 100 километр масофани ўта олади.
- Қуруқликда ЭНГ тез юришда гепардининг олдида тушадигани йўқ, у соатига 110 километргача юриши мумкин.
- Қушлар орасида ЭНГ тез парвоз қиладигани бургутдир. Бу қуш ўлжасига соатига 160 километр тезликда ташланади.
- Жаҳонда ЭНГ катта расмлар галереяси — ҳаммага таниш бўлган Эрмитажда. 3 миллионга яқин расм ва археологик топилмалардан иборат 3222 экспозициянинг ҳаммасини айланиб чиқиш учун қарийб 25 километр юриш керак бўлади.
- Жаҳонда ЭНГ қадимий музей Оксфорд шаҳрида бўлиб, у 1697 йилда қурилган.
- Дунёда ЭНГ энгил одам инглиз Хоукинедир. Ўн етти ёшида бу одам бор-йўғи 5,44 килограмм тош босган.
- 1739 йилда Польшада туғилган Йозеф Боруславскийни дунёда энг митти одам деб ҳисоблашган. Туғилганида унинг бўйи 20 сантиметрга етар-етмас эди. Йозеф бир ешга тўлгунча атиги 15 сантиметр ўсди. "Граф" лақабли бу митти ўттиз ешга тўлган кун роппа-роса бир метрга етди. Йозеф Боруславский 1837 йилнинг 5 сентябрида 98 ёшида Англияда вафот этган.

ЭЪЛОН

"Орол болаларига-93"
пул-ютуқ лотореясининг
ташкилий қўмитаси шуни
маълум қиладики, 1993 йил
10 декабр кунига
белгиланган лоторея
тиражи 1994 йил 10
январга қўчирилди.

Ташкилий қўмита.



Суюкли фарзандимиз ДИНОРАХОН!
Ҳаётингдаги энг қувончли кун —
туғилган кунинг билан самимий
қутлаймиз. Сенга узоқ-умр, сиҳат-
саломатлик, ўқишларингда улкан
зафарлар тилаймиз.
Гулгун чехрангдан табассум аримасин!
Эзгу ниятлар билдириб, онла аъзоларинг.
Тошкент шаҳри.

Табриқлаймиз!



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
С. БАРНОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,
Ф. ЖАЛИЛОВА, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ /масъул котиб/,
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ
ҚҶМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни»
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТЕУОТЧИЛАР КҶЧАСИ-32 УЙ
Напр кўрсаткичи: 64563

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.

Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-700. 29311 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6